



АГРОСАНОАТ МАЖМУИ КОРХОНАЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ядгаров Акрам Акбарович

Тошкент давлат иқтисодий университет, и.ф.н., доцент

E-mail: ayadgarov79@mail.ru

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 2

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a5

ABSTRACT

Мақолада суғурта бозорида агросаноат мажмуи корхоналарини суғурталаш жараёни статистик манбааларга таянган ҳолда илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Агросаноат мажмуи корхоналарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи соҳалар, хусусан қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларни суғурталаш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ҳамда суғурталашни ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

KEYWORDS

Ихтиёрий ва мажбурий суғурта, агросуғурта, қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталаш, чорвачиликни суғурталаш, индекс суғурталаш.

Кириш

Глобал даражада хавф туғдираётган иқлим ўзгаришлари, бугунги кунда жаҳон миқёсида юзага келаётган турли иқтисодий инкирозлар ёки қутилмаган эпидемиологик касалликларнинг авж олиши бевосита мамлакатимиз агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятига ҳам ўзининг сезиларли даражада таъсирини ўтказмоқда.

Дарҳақиқат, агросаноат мажмуи корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусан, қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта, ғалла, шOLI ва бошқа турдаги экинлар), чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, жун ва бошқа турдаги маҳсулотлар)ни етиштириш жараёнида юзага келадиган турли стихияли ҳодисалар (иқлимнинг кескин ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кутарилиши, қургокчилик, дўл, кучли шамол, қаттиқ ва қуруқ совук, ёнгингарилик миқдорининг кескин тушиб кетиши, турли ёнгинлар, турли зараркунда ва ҳашоратларнинг босиши, биологик касалликлар ва бошқалар) дан ҳимояланиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизни истиқболли ривожлантириш борасида қабул қилинган Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб айтиш жоизки, бевосита агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини устивор ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигида янги экин навларини жорий қилиш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда сифатли экспортбоп мева-сабзавотлар етиштиришни кенг йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Олдимизга қуйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини қутилмаган ҳар қандай стихияли ва табиий офатлардан муҳофаза қилиш долзарб аҳамиятга моликдир. Бугунги куннинг устивор масалаларидан бири сифатида агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини суғуртавий ҳимоялаш асосида уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида истиқболли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар шарҳи

Агросаноат мажмуини суғурталашнинг назарий ва услубий масалалари ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни суғурталашнинг қишлоқ хўжалиги таъсири (яъни қургокчиликка чидамли хусусиятлари) тадқиқотчи Мiao R. томонидан ўрганилган. АҚШ қишлоқ хўжалиги секторининг иқлим ўзгаришига таъсири ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнига инновацион тадқиқотларни жорий этилишини суғурталаш фаолияти ва экинларни суғурталашни

узок муддатли иқлим ўзгаришига мослаштириш имкониятлари тадқиқ этилган.

Глобал даражада иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавф-хатарларга дуч келиши билан боғлиқ рискларнинг мавжудлиги туфайли қишлоқ хўжалигида маккажўхори етиштирувчиларни суғуртавий ҳимоя қилиш масалалари тадқиқ қилинган. Қишлоқ хўжалигида маккажўхори ишлаб чиқарувчилар экинларини суғурталаш талаблари бажарилиши борасида турли сўровномалар ўтказиш натижасида ҳосилни суғурталаш амалиётини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Глобал даражада иқлим ўзгаришлари турли давлатларда қургокчиликни келтириб чиқараётганлиги ҳамда унинг чорвачилик соҳаларига кескин таъсир этувчи турли қутилмаган табиий офатлар ва ундан суғуртавий ҳимоялаш масалалари Felix Johna, Russell Toth, Karin Frank, Jürgen Groene veld, Birgit Müller каби бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.


Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида агросаноат мажмуини суғурталашнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилди, истиқболли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари борасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари ўрганилди. Мақолада назарий ва амалий мушоҳада юритилди, тизимли ёндашув, статистик маълумотларни умумлаштириш, таҳлил ва синтез каби усуллар қўлланилган ҳолда агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини суғурталашдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида таклиф ва тавсиялар шакллантирилган. Илмий-амалий тавсиялардан мамлакатимиз агросаноат мажмуини суғурталаш фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Агросаноат мажмуи корхоналари, хусусан деҳкон ва фермер хўжаликлари ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ички истеъмол бозорини таъминлаш билан бирга ташқи бозорларга ҳам экспорт қилмоқда.

Бугунги кунда аграр тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчилар томонидан жаҳон бозорларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда агросаноат мажмуи корхоналари ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини ҳам бевосита суғуртавий ҳимоялаш қўламини кенгайтириш масаласи



1-расм. Аграр секторни сугурталаш бўйича йиғилган сугурта мукофотлари ва сугурта қопламалари динамикаси, млрд.сўм⁴

айнан ҳукуматимизнинг диққат марказида бўлиб келаётган узок муддатли стратегик масалалардан биридир.

Иқлимий жиҳатдан хавфли қишлоқ хўжалиги ҳудудида жойлашган бўлиб, бевосита қурғоқчилик ёки сув танқислиги, ерларнинг мелiorатив ҳолатининг ёмонлашганлиги ва шўрланиш даражасининг юқорилиги ҳамда бошқа стихияли ҳодисаларнинг рўй бериш оқибатида катта талофатларнинг содир бўлиши аграр соҳа вакиллари фаолиятига жиддий таъсир этиб келмоқда. Бу эса мамлакат аграр секторини табиий офатлар таъсирига узвий боғлиқ бўлиб, унинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шу нуқтан назардан агросугурта тизими мазкур ҳолатда турли муаммоларнинг самарали ечими сифатида майдонга чиқади.

Аграр секторни ривожлантириш борасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ҳар бир давлатнинг олдида турган асосий вазифалардан бири бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўлиб бунинг ягона ечими қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнида ресурслар таъминоти, уруғлик ва минерал ўғитлар етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини даладан истеъмолчигача етказиб бериш боғлиқ ҳолатларда юзага келиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан ҳимоялаш муҳимдир.

Агросаноат мажмуи корхоналари томонидан ўз вақтида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, агротехник тадбирларни ўз муддатида бажариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш соҳаларини ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш долзарб вазифаларидан биридир. Ҳар қандай шароитда ҳам қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири сифатида ишончли сугурта хизматларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Агросаноат мажмуи корхоналарини сугурталаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сугурта ташкилотларининг сугурта бозоридаги ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан, сугурта бозорида кўрсатилаётган сугурта хизматлари ҳажми ва сугурта камрови даражаси ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигини сугурталаш борасида сугурта бозорида 30 йилга яқин фаолият юритиб келаётган “Ўзагросугурта” АЖ фаолияти ўзига хос аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини давом эттириш, аҳолини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олиш ва бу жараёни сугуртавий ҳимоялаш муҳим вазифалардан биридир.

“Ўзагросугурта” акциядорлик жамиятининг асосий мижозлари бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. “Ўзагросугурта” АЖ томонидан мижозларни турли хил табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келаётган ҳолатлардан сугурта қилишда муайян ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзагросугурта” АЖ томонидан табиий офатлар натижасида қўрилган зарарларни қоплаш мақсадида 2020 йил ҳолатига қўра, жамият ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўрсатилган хизматлар натижасида жами 1475649 та юридик ва жисмоний

шахслар билан сугурта шартномалари тузилган бўлиб, унга қўра 178,2 млн.сўм сугурта мукофотлари йиғилган. “Ўзагросугурта” АЖ томонидан сугурталанувчилар томонидан қўрилган зарарларни қоплаш мақсадида 91,3 млн.сўм миқдорида сугурта товони тўлаб берилди.

“Ўзагросугурта” АЖ нинг вазифаларидан бири сифатида сугурта хизматларини кўрсатиш орқали агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган. 2016-2020 йиллар мобайнида аграр секторни турли табиий офатлардан сугурталаш (барча сугурта турлари бўйича) тузилган шартномалардан келиб чиқиб, 2016 йилда 142,6 млрд.сўм сугурта мукофотлари йиғилган бўлса, 2020 йилда 178,2 млрд.сўм сугурта мукофотлари тушумига эришилган. Қишлоқ хўжалигини турли табиий офатлардан сугурталаш бўйича сугурта мукофотлари ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 30 фоизга пасайган.

Агросаноат мажмуи корхоналарини табиий офатлардан қўрилган зарарларини қоплаш мақсадида “Ўзагросугурта” АЖ томонидан 2016 йилда 29,4 млрд.сўм сугурта қопламалари тўланган бўлса, 2020 йилда 91,3 млрд.сўм сугурта қопламалари тўланган. 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 61,9 млрд.сўмга ортган. Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, ўтган йилларга нисбатан аграр секторда табиий офатлар ва қўтилмаган стихияли ҳодисалар хавфи ҳажми ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуи корхоналарига тўлаб берилган сугурта қопламалари бевосита молиявий зарарларини қоплаши билан бирга уларнинг иқтисодий таназулдан сақлаб қолишга хизмат қилади.

“Ўзагросугурта” АЖ томонидан фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини сугурталаш бўйича жами 56,3 млн.сўм сугурта мукофотлари келиб тушган бўлиб шундан пахта ҳосилини сугурталаш бўйича 34,9 млн.сўм ва ғалла ҳосили сугуртаси бўйича 21,1 млн.сўм сугурта мукофотлари йиғилган. Ушбу даврда фермер хўжаликларининг табиий офатлар ва бошқа турдаги қўтилмаган стихияли ҳодисалардан қўрилган зарарларини қоплаш мақсадида тўланган сугурта товони 44,4 млн.сўмни ташкил этган.

Агросаноат мажмуида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини хўжалик тоифалари бўйича кўрадиган бўлсак, 2020 йилда 5,1 фоизи фермер хўжаликлари, 3,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, 91,4 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. 2019 йилнинг шу даврига нисбатан деҳқон хўжаликларининг улуши пасайганлигини кўриш мумкин.

Агросаноат мажмуи корхоналарининг ҳудудларда чорвачилик хўжаликларини ривожлантиришда улар учун озуқа базасини кенгайтириш, чорва турларини кўпайтириш ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратиш орқали аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш ва етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек нархлар барқарорлигини таъминлаш орқали даромад манбаини ошириш каби чора-тадбирларни тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Чорвачилик тармоғини сугуртавий ҳимоялашда асосан чорва ҳайвонлари турига боғлиқ ҳолда, сугурта қилинадиган сугурта таваккалчиликларига асосан: ёнғин, бўрон, довул, сув тошқини, зилзила, каттик совуқ тушиши натижасида музлаб қолиши,

захарланиш, транспорт ходисалари, портлаш, кўчки, йирткич хайвонлар ҳужуми, ўғирланиш, мажбуран сўйилиш ва бошқа ҳолатларни айтиш жоиз.

Мамлакатимизда чорва хайвонлари ихтиёрий равишда сугурта қилинади. Сугурталаш тартибига кўра, чорва хайвонларининг сугурта қийматига нисбатан сугурта пулининг энг юқори миқдори қорамол, от, туя, қўй ва эчкилар учун 80 фоиз, мўйнали хайвонлар учун 60 фоиз ҳамда чўчка, парранда, балиқ ва асалари учун 50 фоиз эътиб белгиланган.

Бевосита жисмоний шахсларда мавжуд чорва хайвонларининг сугурта қиймати бозор нархларидан келиб чиқиб, сугурталовчи ва сугурта қилдирувчининг келишувига асосан сугурта шартномасида белгиланади. Чорва хайвонларини сугурта қилишда сугурта мукофоти чорва хайвонларининг сугурта пулига нисбатан 8.0 фоиз миқдорида белгиланади.

Агросаноат мажмуи қорхоналарида мавжуд чорва молларини табиий офатлар ва турли касалликлардан сугурталаш борасида мамлакатимизда “Ўзгросугурта” АЖ томонидан сугурта хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, 2020 йил ҳолати бўйича деҳқон (шахсий) ва фермер хўжаликларида мавжуд чорва хайвонларини сугурталаш бўйича тузилган шартномага кўра 192309,4 млн.сўм сугурта мукофотлари йиғилган бўлиб, шу давр ичида кўрилган зарарни қоплаш мақсадида 19043 млн.сўм сугурта тоvonлари тўлаб берилган.

Агросаноат мажмуи қорхоналарини сугуртавий ҳимоялаш уларнинг молиявий барқарорлигига ва бозорда мавқеини сақлаб қолишга ижобий таъсир этади. Шу сабаб, ҳар қандай ҳолатда ҳам сугурта ўз вақтида молиявий қўмакчи сифатида майдонга чиқади. Сугуртавий ҳимояланиш орқали агросаноат мажмуи қорхоналари турли рисклардан ҳимояланиши ва табиий офатлардан кўрилган зарарларни қопланиши натижасида иқтисодий инқироз ва молиявий йўқотишларни олдини олишга эришилади.

Агросаноат мажмуи қорхоналарига тўлаб берилган сугурта қопламалари бевосита молиявий зарарларини қоплаши билан бирга уларнинг банкротликдан сақлаб қолишга хизмат қилади.

Аграр секторни турли хавф-хатарлардан сугурталаш қаторида “Ўзгросугурта” АЖ томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги қорхоналари билан ўз вақтида сугурта шартномаларини тузиш, иқлим ўзгаришларини ҳисобга олиб

сугурталанувчилар манфаатини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш, сугурта хизматларидан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги табиий ва техноген хавф-хатарлар таъсиридаги йўқотишларнинг олдини олиш каби масалалар доимий диққатимизда бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуаси қорхоналари фаолиятини сугурталашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда аграр секторни сугурталаш жараёни истиқболини таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқдир:

- аграр тармокда юз бераётган турли табиий ҳодиса ва табиий офатларни ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқиб ўрганиш ҳамда қишлоқ хўжалигини сугурталаш тарифларини ҳудудий ёндашув асосида шакллантириш;

- агросаноат мажмуаси қорхоналари фаолиятини сугурталаш омиллари ва шарт-шароитларини тубдан ўрганиш талаб этилади, хусусан агросаноат мажмуасининг марказий бўғини сифатида фақат фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнидаги турли рисклардан сугурталаш ишлари амалга оширилиб келинади, бироқ томорқа хўжаликларини сугурталаш ишлари орқада қолмоқда, шу сабабдан томорқа хўжаликлари фаолиятини сугурталашга бўлган эътиборни ошириш, бу борада янги сугурта тарифларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир;

- республика миқёсида чорва молларини турли касалликлар ва табиий офатлардан сугурталашда сугурта тўловининг 50 % гача қисмини давлат бюджетидан қоплаш ёки хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда давлат томонидан субсидиялаш механизмининг жорий этиш;

- чорвачилик тармоғини сугурталаш бўйича электрон сугурта полисларини жорий этиш;

- фермер хўжаликлари раҳбар ходимларининг “Сугурта” тўғрисида иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

- Ўзбекистонда “Қишлоқ хўжалаги сугуртаси” бўйича Олий таълим муассасаларида мутахассис-кадрлар тайёрлаш масаласини кўриб чиқиш ва бу борада қўшма ОТМ ларда қўшма факультетлар ташкил этиш.

Reference:

1. Miao, R. Climate, insurance and innovation: The case of drought and innovations in drought-tolerant traits in US agriculture. *European Review of Agricultural Economics*. Volume 47, Issue 5, 1 December 2020, Pages 1826-1860. <https://www.scopus.com/record/display.uri?id=2-s2.0-85092720063&origin>.
2. Fleckenstein, M. Lythgoe, A., Lu, J., Thompson, N., Doering, O., Harden, S., Getson, J.M., Prokopy, L. Crop insurance: A barrier to conservation adoption? *Journal of Environmental Management*. Volume 276, 15 December 2020. <https://www.scopus.com/record/display.uri?id=2-s2.0-85090140104&origin>
3. Tahereh Biglari, Hamideh Maleksaeidi, Farzad Eskandari, Mohammad Jalali. Livestock insurance as a mechanism for household resilience of livestock herders to climate change: Evidence from Iran. *Land Use Policy* Volume 87, September 2019, 104043. <https://ideas.repec.org/a/eee/lausp/v87y2019ics0264837719304168.html>
4. Felix Johna, Russell Toth, Karin Frank, Jürgen Groeneveld, Birgit Müller. Ecological Vulnerability Through Insurance? Potential Unintended Consequences of Livestock Drought Insurance. *Ecological Economics* Volume 157, March 2019, Pages 357-368. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0921800918300132>.
5. A.Yadgarov. International insurance market and experience of foreign countries in agricultural insurance. *Economics and Innovative Technologies*. Vol. 2020 > No. 2 (2020). <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/>
6. A.Yadgarov. (2020). AgroInsurance-As A Mitigating Financial Lever For Climate Change In Agriculture. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(7), 2251 - 2258. <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/17501>
7. A.Yadgarov. The importance of using the agricultural insurance system in increasing the volume of agricultural production in pandemic conditions. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)* ISSN: 2319-1422 Vol.9, July 2020, Impact Factor: SJIF 2020 = 7.126. 31-37 page. <https://saarj.com/wp-content/uploads/sjbir-july-2020-full-journal>
8. A.Yadgarov. Issues of food safety on the basis of agricultural insurance. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering* ISSN: 2689-1018. JULY 2020. Page No.: 43-52 Volume-II Issue-VII PUBLISHED: 30 JULY 2020. <https://usajournalshub.com/index.php/tajabe/article/view/576/539>
9. <http://www.agros.uz> Annual reporting data of Uzagrosugurta JSC.